O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 10 APREL ◆ SESHANBA ◆ № 44 (26.746)

БУЮК САРКАРДАГА ЭҲТИРОМ

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни қайта тиклаш, улуғ бобокалонларимиз руҳларини шод этиш, хотирасини абадийлаштириш имкониятларини яратилди.

Пойтахтимизнинг энг файзли ва кўркам гўшаларидан бири — Амир Темур хиёбони ҳар йили буюк бобокалонимиз таваллуд куни — 9 апрелда одамлар билан янада гавжум бўлади. Бу гал ҳам эрта тонгданоқ хиёбонга шаҳарликлар ва меҳмонлар, жамоатчилик вакиллари соҳибқирон ҳазратлари хотирасини ёдга олиш учун тўпланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов тадбирни очар экан, мамлакатимиз салоҳияти, қудрати ва ғуруринг ифодаси бўлмиш Амир Темур наинки элимизнинг, балки ер юзи халқларининг тарихида ўчмас из қолдирган ўлмас сиймо эканини алоҳида таъкидлади. Сабаби — бобомиз нафақат буюк ҳарбий салоҳиятда, балки беназир давлат арбоби сифатидаги барча мурод-мақсадларида бутун инсониятга тинчлик-осойишталик тилаганлигидадир. Амир Темур ҳазратлари ана шу йўлда пароканда давлатларни бирлаштирди, ул зотнинг даврида мамлакатимиз жаҳонда жуда катта довруқ қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов маросимда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва ғояси билан соҳибқирон бобомиз хотираларини абадийлаштириш, фаолияти, башарият тарихидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ўрганиб, маънавий меросидан халқимизни баҳраманд этиш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Чунончи, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга улуғвор ҳайкаллар ўрнатилди. Пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи бунёд этилди. Давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида «Амир Темур» ордени таъсис этилди. Соҳибқироннинг илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси тузилди. Бобомизнинг 660 йиллик таваллуди эса жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Тадбирда темурийшунос олим Турғун Файзиев, Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси Бўрибой Аҳмедов, Тошкент давлат юридик институти талабаси Дилдора Ҳайитова жаҳонгир бобомиз ўлмас меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўзлади.

Тантана иштирокчилари буюк соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантаналар юртимизнинг барча вилоятларида давом этмоқда.

■ (ЎзА)

«ЎЗБЕКИСТОН — ЭРТАКЛАР МАМЛАКАТИ»

Исроилда нашр этиладиган «Ля-Иша» журналида мамлакатимизга бағишлаб эълон қилинган қўш саҳифали мақола ана шундай номланади. Журнал ўз саҳифаларида бетакрор юртимиз ҳақида ҳикоя қилар экан, ўқувчиларини Ўзбекистон бўйлаб ўзига хос ва абадий эсда қоладиган саёҳатга чорлайди.

Жумладан, мақоланинг республикамиз тарихига оид қисмида кўплаб мамлакат ва халқларни бирлаштирган Буюк ипак йўлидаги Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлардаги кўҳна меъморий обидалар хусусида сўз боради.

Шу билан бирга, мақола муаллифлари ўқувчиларни мамлакатимизнинг табиий иқлим шароитлари, бошқа қадимий ёдгорликлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг ажойиб ноз-неъматларга тўла бозорлари билан ҳам яқиндан таништиради. «Ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ ўзининг бозорига эга. Уларнинг ҳаммаси ўзига хос ва шинамозодадир. Бозорда ҳар бир маҳсулот алоҳида расталар қаторида жойлашган», — деб ёзади журнал.

Яҳудийлар жамоаларининг Марказий Осиё ҳудудида пайдо бўлиши тарихи ҳамда Бухорода истиқомат қиладиган яҳудийларнинг анъаналари ҳақида алоҳида бўлимда ҳикоя қилинади.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилувчилар учун бошқа зарур маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

■ **Ф. ПАРПИЕВ,**
«Жаҳон» АА,
Тель-Авив.

Экспорт — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Хатирчи пахта тозалаш корхонаси ўтган йили 25981 тонна пахта хомашёси қабул қилиб, шу кунгача 16184 тоннасини қайта ишлади. 5179 тонна сифатли толани АҚШ, Руминия, Швейцария, Жанубий Корея, Россия каби давлатларга экспорт қилди.

Тайёрланган 1286 тонна сифатли уруғлик чигитнинг 52 тоннасини «Бухоро-6», 634 тоннасини «С 9070», 500 тоннасини «Оқдарё-6» навлари ташкил этади.

Корхона маъмурияти 2001 йил ҳосили учун 18 та ширкат, 322 та деҳқон-фермер хўжаликлари билан шартнома тузиб, уруғлик чигит ва экиш мавсуми учун йиллик режадаги асосий маблағнинг маълум қисмини «бўнак» (аванс) тариқасида хўжаликларга тарқатди.

— Бу корхонанинг маромда ишлашини, кўзда тутилган даромадга эга бўлишни таъминлайди, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Муртазоев.

Дарвоқе, корхона 2000 йилни 37896 минг сўм соф фойда билан якунлади. Соф фойданинг 22738 минг сўми ишчи-хизматчиларга дивиденд ҳисобида берилади. Яқинда Наврўз шодиёналари асосида соф фойдадан 12 нафар меҳнат фахрийсига, 20 га яқин кам даромадли оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 556 нафар ишчи-хизматчига байрам дастурхони ёзилди.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

БОЛАЖОН ЮРТ ҚЎЙНИДА

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 10 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	170,62
1 Австрия шиллинги	22,56
1 Англия фунт стерлинги	494,69
10 Бельгия франки	76,97
1 Голландия гульдени	140,89
10 Греция драхмаси	9,12
1 Дания кронаси	41,63
1 БАА дирхами	93,65
1 АҚШ доллари	343,92
1 Миср фунти	89,45
10 Испания песети	18,66
100 Италия лираси	16,04
1 Канада доллари	219,98
1 Хитой юани	41,55
10 Люксембург франки	76,97
1 Малайзия рингити	90,50
1 Германия маркаси	158,75
1 Польша злотийси	85,79
1 СДР	436,22
1000 Туркия лираси	0,29
1 Финляндия маркаси	52,22
1 Франция франки	47,33
1 Швейцария франки	203,09
1 ЕВРО	310,49
10 Жанубий Корея вони	2,57
10 Япония иенаси	27,56
1 Россия рубли	11,92
1 Украина гривнаси	63,46

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ШИФОКОР ВА БЕМОР: ҚИТЪАЛАРАРО АЛОҚА

Яқин келажакда мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам нафақат республикамиз, балки хорижий клиникаларнинг энг яхши мутахассисларидан маслаҳат олиш, диагностиканинг энг сўнгги усулларидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Ўзбекистон Марказий Осиёда дунёнинг етакчи мамлакатларида яқинда пайдо бўлган янгилик — телетиббиётни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган ягона мамлакатдир. Шу сабабли айнан бизнинг мамлакатимиз пойтахтида НАТО шафеълигида «Марказий Осиёда телетиббиёт: уни тезкор тиббиётда қўллаш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон томонидан Давлат фан ва техника қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институти семинарга ташкилотчилик қилди. Уларнинг хорижий ҳамкори — АҚШнинг Ж.Вашингтон номидаги университети тиббий марказининг Тез тиббий ёрдам институтидир. Семинар ишида Марказий Осиё республикалари, Грузия ва Россиядан ташриф буюрган информатика ва телекоммуникациялар бўйича мутахассислар ва шифокорлар иштирок этди. Анжуманда Буюк Британия, Германия, Греция, Норвегия, АҚШ, Швейцария каби мамлакатларининг телетиббиёт соҳасида катта тажриба орттирган мутахассислари маъруза қилди.

Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев семинарни очар экан, бугунги кунда ахборот технологиялари жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётганини, улар халқ хўжалигида кенг қўлланилаётганини қайд этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда илғор ахборот технологияларини ўзлаштириш, тегишли инфратузилма ва ҳуқуқий база яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай технологияларни қўллаш мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди. Телетиббиёт усулининг қўлланилиши тиббиётни ривожлантиришга, аҳолига тиббий хизмат, айниқса, тез тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга хизмат қилади.

— Интернет ҳаётни ўзгартириб, янги имкониятларни очмоқда, чегара ва масофаларни босиб ўтишга кўмаклашмоқда, — деди НАТОнинг компьютер тармоқлари бўйича дастури директори Вальтер Кафенбергер семинар иштирокчиларини қутлар экан, — Бу улкан тармоқ янги соҳа ҳисобланган телетиббиётни ривожлантиришда асосий воситага айланди. НАТО Илмий қўмитаси Марказий Осиёда телетиббиётни ривожлантириш мақсадида «Виртуал Ипак йўли» лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда. Хусусан, минтақада қўшимча радиотўлқинларни ишга солиш учун маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида маъруза қилди. Хусусан, миллий тез тиббий ёрдам маркази ва унинг 11 та ҳудудий филиали очилиши ислоҳотларнинг муҳим ютуқларидан бири эканини қайд этди. Улар замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган. Марказ мутахассислари юқори малакага эга бўлиб, кўпчилиги хорижий давлатларнинг етакчи тиббий марказларида малака ошириб қайтишган. Бироқ республика соғлиқни сақлаш тизимида айрим муаммолар ҳам мавжуд. Мамлакат аҳолисининг 63 фоизи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади. Телетиббиёт туман шифохоналари, қишлоқ врачлик пунктлари ва пойтахт клиникаларини ягона тизимга бирлаштириш, пойтахтда ва узоқ тоғ қишлоғида истиқомат қилувчи аҳоли учун бир хилда малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконини яратади.

Семинарда тиббий хизматлар бозори жаҳон соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг энг катта ва тез юксалаётган соҳаси эканлиги тўғрисида сўз юритилди. Бу соҳада кутилаётган фойда 2001 йилда 21 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Телетиббиёт ҳозирча Шимолий Америкада бирмунча кенг, Европада эса камроқ кўламда қўлланилмоқда. Бунга мисол тариқасида Ньюфаундленддаги Мемориал университет фаолиятини келтириш мумкин. У ерда яратилган 170 аудио-телеконференц алоқа линиялари 80 та аҳоли пункти билан уланган. Улардан фойдаланиш беморларни даволашга турли йўналишдаги мутахассисларни жалб этиш, шифокорлар малакасини ошириш, аҳолини дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги билимларини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш имконини беради. Телемедицина Европада ҳам қўлланилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари унинг жаҳон соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳамияти йилдан-йилга ошиб бораётганини қайд этишмоқда.

Хорижий мутахассислар тажрибаси шуни кўрсатадики, телемедицинанинг мамлакатимизда жорий этилиши яхши самара бериши мумкин. Экспертларнинг фикрича, ҳозирдаёқ катта маблағ талаб этмайдиган дастлабки тадбирни амалга оширса бўлади. Бунинг учун миллий ахборот узатиш тармоғидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Мазкур семинар дастурни амалга оширишда биринчи қадам бўлди. Семинар давомида унинг иштирокчилари телемедицина технологиялари асослари ва узоқ ҳудудларда фаолият юритувчи шифокорларни узлуксиз дистанцион ўқитиш усуллари билан танишди. Семинар амалий машғулотларида Буюк Британия, Норвегия, АҚШ тиббиёт марказлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди ва телеконференциялар ўтказилди.

■ **А.ИВАНОВА,**
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. О. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСРОИЛ ДАВЛАТИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ойбек Орифбекович Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси *қарор қилади:*

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 2001 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрель

* * *

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.
2. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
6. «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида.
9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Бир қатор шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

BU dunyoning ishlari

ҲАРОРАТ ЯНА КЎТАРИЛМОҚДА

БМТ экспертлари иқлим ўзгаришлари оқибатларига бағишланган ҳисобот эълон қилди. Унда айтилишича, ҳароратнинг кўтарилиши инсониятга хавф солиб, безгак ва бошқа тропик касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигига катта зарар келтиради. Бу эса ривожланаётган мамлакатлар учун фожиадир.

МОЛИЯВИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР САБАБ

Даниядаги энг кекса нашрлардан бири бўлмиш «Актуэлт» газетаси молиявий қийинчиликлар сабабли фаолиятини тўхтатди. Газета 1872 йилдан чиқа бошлаган эди. 1959 йилгача у «Сосиал-демократен» номи билан нашр қилинган.

Кейинги пайтларда «Актуэлт»нинг адади 50 мингдан 25 мингга тушиб кетган эди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТИШИЧА...

Куба Президенти Фидел Кастро Хитой билан АҚШ ўртасида самолётлар тўқнашуви натижасида юзага келган зиддиятда «совуқ уруш» аломати бор, деди. Президентнинг айтишича, расмий Вашингтон тезда ушбу воқеа бўйича қарашларини ўзгартириши лозим. Акс ҳолда, икки мамлакат ўртасидаги келишмовчилик янада кескинлашиши мумкин.

ТЎҚНАШУВ

Непалда ҳаракат қилаётган исёнчилар ўтган ҳафта давомида 42 нафар полициячини ўлдиранини маълум қилди. Сўл исёнчилар ташкилоти вакилларининг пойтахт Катмандудан маълум қилишича, полициячилар билан қуролли тўқнашувда 11 нафар исёнчи ҳалок бўлган.

Ўтган душанба куни Рукум туманида уч юзга яқин исёнчи полиция бўлимларига ҳужум уюштирган эди. Шу куни 32 нафар полициячи ҳалок бўлди. Тўқнашув бир неча кун давом этди.

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

ЗАРДУШТ ВА МОНИЙ

Кўҳна Ўрта Осиёнинг ёзма адабиёти тарихи, гарчи бугунги кунда баъзилар шубҳа билан қарасалар-да, шу заминнинг халқи билан баробар қадимий экани бундан бир ярим-икки минг йиллар олдин ўз исботини топган. Турли диний оқимлар, худолар, мифологик қаҳрамонлар, тарихий шахслар тўғрисидаги миф ва афсоналар қадим туркий адабиётнинг юзага келишида асосий омил бўлди. Дарвоқе, қадимги туркий адабиёт борасида сўз кетганида , аксарият ҳолларда Ўрхун-Енисей ёзувидаги ёдгорликлар тилга олинади. Лекин қадимги туркий адабиёт фақат шу ёдгорликлар билан чекланган эмас, балки унинг манзараси кенг. Шу заминда неча асрлар давомида фаолият кўрсатган Будда ва Моний таълимотлари қадимги туркий адабиётнинг, хусусан, достончиликнинг, шеъриятнинг бой имкониятларини юзага чиқарди, кенгайтирди. Ҳали бу дурдоналар кенг омма у ёқда турсин, зиёлилар доирасига ҳам етиб бормагани учун туркий қавмларнинг Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий мавқеи етарлича баҳолангани йўқ. Зотан, бадиий тафаккур имкониятлари этник, ижтимоий-сиёсий жараённи белгиловчи омиллардан бири бўлгани шубҳасиздир.

Милоднинг бошларидаги давр мафкураси, жамиятдаги маънавий бутунлик айни шу асарлар орқали қарор топган. Хусусан, монийлик оқимининг мавқеи бу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор. Бу оқимнинг ва унинг таъсирида ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, балки зарурат бўлган эди.

Монийлик оқими ҳам, зардуштлик, будда, христианлик оқимлари каби маълум шахсларнинг фаолияти ва таълимоти билан боғлиқ. Бу оқимнинг асосчиси Моний ибн Фатак милодий 216-277 йилларда яшаган. Моний Ўрта Осиё, Ҳиндистонда узоқ вақт яшаб, бу ўлкаларда фаол ҳаракатда бўлган брахманизм, буддизм ва христианлик билан чуқур танишди. Айниқса, Ўрта Осиё ҳудудида мустаҳкам илдиз отган Зардушт таълимоти Монийнинг эътиборини кўпроқ жалб қилди. Шу боисдан ҳам ўзи яратишни мақсад қилиб қўйган таълимот учун зардуштийликни асос қилиб олди. У илк бор ўзгача яратилган бошқа диний оқимлардан фарқли ўлароқ, кенг қамровли дини тизимни яратишга ҳаракат қилди. Лекин туб моҳияти билан зардуштийликка таянди. Жумладан, асосий мавзу — оламнинг пайдо бўлиши ва қурилиши тўғрисидаги таълимот зардуштийлик ва монийликда бир асосга: Хурмузда мужассамлашган Эзгулик ва Нурга, Ахриманда мужассамлашган Зулмат ва Ёвузликка таянади. Ахриман монийлик оқимида Шмну деб айтилади. Зардуштийликда синовдан ўтган ва инсоният ҳаётининг асосий мазмунига айланган икки қарама-қарши кучларнинг кураши монийликда янада очиқроқ намоён бўлди.

Зардушт таълимоти «Авесто»да ўз ўрнини топган бўлса, Моний таълимоти «Монавийларнинг тавбаномаси» (асл номи «Хуастуанифт»)да баён қилинган. Асар милодий V-VII асрлар оралиғида яратилган. Мазкур сана монийликнинг пайдо бўлиши ва амал қилишигагина алоқадор бўлиб қолмай, балки қадимги туркий адабиётнинг шаклланган даврини исботлайдиган далил ҳамдир.

Зардуштийлик ва монийлик оқимининг умумий жиҳатлани яна давом эттириш мумкин. Лекин шундай савол туғилиши мумкин: зардуштийлик ва монийлик ғояси бир-бирига яқин экан, зардуштийликнинг давоми бўлган монийлик оқимини яратишдан мақсад нима эди? Монийнинг мақсади — амалий жиҳатдан ҳаётга яқин бўлган, нариги дунё билан бевосита мулоқот қилиш ва худони билиш ҳақидаги қарашларнинг яхлит тизимини яратишдан иборат эди. Моний яратган оқим Оврупонинг кўплаб мамлакатларидан Хитойгача бўлган кенг ҳудудга ёйилиб, минг йилча яшади. Бир мисол: VIII асрда Турк ҳоқонлиги ўрнига келган Уйғур-турк ҳоқонлигида монийлик оқими расмий дин сифатида юз йил фаолият кўрсатган эди.

Монийликдаги қарама-қарши кучларнинг курашида шу нарса бўртиб кўринадики, Нур ва Эзгулик олами — маънавий асос билан, Зулмат ва Ёвузлик олами эса моддий асос билан уйғунлаштирилган. Монийлик таълимотига кўра, илк даврда Нур кучлари билан Зулмат ҳукмронлиги ўртасида ҳақиқий мувозанат мавжуд эди. Нур кучлари Зерванга тегишли бўлиб, Нур шоҳлиги деб, Ёвузлик кучлари эса Шмнуга тегишли бўлиб, Зулмат шоҳлиги деб ном олган. Нур шоҳлиги Зулмат ҳукмронлигини ўзига жалб этгач, мувозанат бузилган. Нур отаси Хурмузд Зулмат ҳукмронлиги ҳужумидан хавфсираб, ер юзига ўзининг руҳий кучларини юборади. Нур отаси Хурмузд юборган руҳий кучлар билан Зулмат кучлари ўртасида жанг бўлади. Жангда Нур кучлари мағлуб бўлади ва Нур билан Зулмат қоришиб кетади. Нур отаси бу қоришма ичидан ўзи юборган руҳий кучларни ажратиб олиш учун кўринадиган оламни яратиши керак эди. Зулмат кучларига қарши курашиб, уларни мағлуб қилади ва шикастланган иблисларнинг терисидан — ўн қават осмонни, суякларидан — тоғларни, этларидан эса ерни яратади. Шу тариқа Нур отаси Хурмузд ерни яратади.

Монийликда руҳий олам бош ўринга қўйилади ва бу бежиз эмас, албатта. Моддий оламда тана севгиси билан яшаш, яъни ҳаётнинг мазмунини танага лаззат бағишлайдиган ишлардан иборат деб тушуниш, инсонларнинг ўз ғамташвишларига ўралашиб қолиши руҳий оламдан узоқлаштирувчи сабаблардир. Тана севгиси моддий оламдаги бойликларга ружу қўйишга олиб келади ва руҳий оламдаги бойлик — нурдан узоқлашишга сабаб бўлади, натижада худо унутилади. Бу эса гуноҳдир. Бу ҳақда «Монавийларнинг тавбаномаси»да қуйидагича баён қилинади: «Эй Худойим! Билиб-билмасдан, тана севгиси билан юриб, ёмон дўстлар, биродарлар сўзига кириб, уларнинг ҳис-туйғуларига берилиб, чорвага, мол-мулкка ружу қўйиб ёки ғам-ташвишларимизга ўралашиб, бу ўнта назрни адо этолмадик, назрларни жуда ҳам чегаралаб қўйдик, камайтириб ташладик. Эй Худойим! Энди гуноҳлардан бизни халос қилгин, деб сенга илтижо қилаяпмиз. Гуноҳларимизни кечиргин!» Ер юзидаги моддий бойликларни тана лаззати учунгина бағишламасдан, Худога ҳам бағишлаш ва бойликларни ўзаро тенг тақсимлаш ғояси бу оқимнинг муҳим жиҳатларидан бири эди. Албатта, зодагон аҳли учун бу ғоя ниҳоятда хавфли эди. Шунинг учун ҳам Моний жамоаси аъзолари қувғин остига олиндилар, Монийнинг ўзи эса қатл қилинди. Инсоннинг руҳидаги нур зарраларини моддий нарсалар ташвишидан холи қилиш керак, инсон моддий бойликларнинг қули бўлиб қолмаслиги, аксинча устун бўлмоғи лозим, деган тушунча Моний жамоаси аъзоларининг чекланганини эмас, балки ҳаётда анча илгари кетганини кўрсатади. Қолаверса, бу ақида фақат зардуштийликда ёки монийлик оқими шаклланганда пайдо бўлиб қолмади. Руҳдаги нур ва моддиётдаги зулмат ўртасидаги кураш милоддан олдинги X асрда Ҳиндистонда юзага келган буддизмда куртак отган эди. Моний жамоаси аъзоларининг турмуш тарзи ҳам худди буддизмдаги зоҳидлар ҳаёти сингари эди. Чинакам «Худо танлаб олган» Моний жамоаси аъзолари зоҳидона ҳаёт кечирмоқлари, мол-мулкдан воз кечмоқлари, оила, уй-жой ташвишларидан холи бўлмоқлари, май ва гўшт истеъмол қилмасликлари, ҳатто тановул қилишга ярайдиган ўсимликларни юлмасликлари лозим эди. Бу тоифани, буддизмдаги мезонлар сингари, оилали, мол-мулкли табақа таъминлашлари керак эди. Ана шу қоидага амал қилганлар Моний жамоасига дахлдор ҳисобланардилар. Озор деган тушунча улар учун оғир гуноҳ эди. Жамоа аъзолари ўзлари илгари қилган гуноҳлар учун тавба қилар эканлар, ер юзидаги жамики тирик жонзоту гиёҳ муқаддас эканини эътироф этадилар: «Беш турли жонзотларга: биринчидан, икки оёқли инсонларга, иккинчидан, тўрт оёқли жониворларга, учинчидан, қанотли жониворларга, тўртинчидан, сувда сузувчи жониворларга, бешинчидан, ерда бағри билан судралиб юрадиган жониворларга қарши гуноҳ қилиб, ўша беш турли жониворларнинг, таналарнинг каттаю кичигини қанчалар қўрқитдик, ҳуркитдик, кўп уриб азоб бердик, нақадар хафа қилдик, жонларини оғритдик, кўплаб ўлдирдик шунча жониворларни, таналарни! Зотан, биз гуноҳкор эдик. Эй худойим! Энди гуноҳларимизни кечиргин, деб ёлворяпмиз. Гуноҳларимизни кечиргин!» Бинобарин, «Монавийларнинг тавбаномаси»да «Кимдир бировни тирилтирса худони тирилтирган бўлади, кимдир бировни ўлдирса, худони ўлдирган бўлади, яхши-ёмон нарсаларнинг ҳаммасини худо яратган» деган ақида бош ўрин тутади. Тирик жонзотларга азоб берганлар, ер юзини булғаганлар қаттиқ жазога ҳукм қилиниши лозим деган қонун «Авесто»да ҳам муҳим тамойиллардан бири эканини шу ўринда эслаш ўринлидир.

Руҳан пок бўлиш, руҳий уйғоқлик туйғуси фақат маълум бир даврлар билан чегаралланмасдан, монийлик оқими бу азалий ва абадий муқаддас туйғуларни буддизм ва зардуштийликдан узлуксиз олиб ўтган, ўзига хос «кўприк» вазифасини бажарган оқим сифатида ҳам эътиборга моликдир.

■ **Насимхон РАҲМОНОВ, филология фанлари доктори, профессор**

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЭЛ ИЧИГА КИРАЙЛИК, ОДАМЛАРГА ЯҚИНРОҚ БЎЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг 2000 йилги фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди ва унинг партия Марказий Кенгаши III пленуми якунларидан келиб чиқадиган 2001 йилги вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Пленумда кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят кенгаши биринчи котиби Маматқул Иномов маъруза қилди.

Маърузачи қайд этганидек, вилоят партия кенгаши ЎзХДП дастурий мақсадларини изчил амалга оширишни, партиянинг сиёсий ўрни, халқ орасидаги мавқеини кўтаришни ўз фаолиятининг асоси, деб ҳисобламоқда ва бу борада амалий ишлар қилмоқда.

Ҳар қандай партиянинг мавқеи ва обрў-эътибори, аввало, ундан сайланган депутатларнинг фаоллиги, уларнинг ўз сайловчилари билан яқин алоқада бўлишига боғлиқ. Пленум қатнашчилари ўтган сайловларда Халқ демократик партиясидан Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган жами 74 нафар депутатнинг фаолиятига ана шу нуқтаи назар билан ёндашдилар.

Пленум иштирокчиларининг диққат-эътиборлари партия Дастури, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб ва ташвиқ этиш, миллий мустақиллик мафкураси тамойилларини тушунтириш, партия нашрларига обунани ташкил этиш ишларини янада яхшилаш масалаларига ҳам қаратилди. Бу борада вилоятда 12 та маънавий-маърифий ҳамда ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари, яна шунча ёшлар клублари фаолият кўрсатаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур йўналиш бўйича Ғаллаорол, Бахмал, Фориш туманлари партия ташкилотлари тўплаган ижобий тажриба маъқулланганлиги ҳолда Пахтакор, Арнасой ва Дўстлик туманлари партия кенгашларининг ўта суст ишлаётганлиги танқид қилинди. Эл ичига кириб бориш, одамларга янада яқинроқ бўлиш, номига эмас, балки фаол партия аъзоси бўлиш зарурати такрор ва такрор тилга олиб ўтилди.

Маърузани муҳокама қилишда «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, Мирзачўл туман партия кенгашининг биринчи котиби Ҳаким Номозов, Пахтакор тумани ҳокимининг муовини Илҳом Отабоев, халқ депутатлари Зомин туман кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдусаттор Содиқов ва бошқалар қатнашдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши масъул ходими Собир Усмонов сўзга чиқди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Мактаб остонасига фарзандини етаклаб келган ҳар бир ота-она биринчи галда таълим-тарбия қандай йўлга қўйилганлигига эътибор беради. Мактабдаги шароит ҳар қанча яхши бўлмасин, агар таълим-тарбия ишлари талаб даражасида бўлмаса бу даргоҳнинг улуғлиги мазмунан эмас, шаклан эканлиги кўриниб қолади. Шундай экан, биринчи галда мактабдаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фарзандлар тарбиясини юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган устоз-мураббийлар қўлига топшириш бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқадиган асосий вазифадир. Ҳозирда замон талабларига жавоб берадиган, қолаверса, ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказишда ўрнак бўладиган мактабларнинг кун сайин кўпаётганлиги кишини қувонтиради.

Пойтахтимиздаги 162-мактаб ўқувчиларга зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникмаларни беришда шаҳардаги етакчи илм даргоҳларидан ҳисобланади.

1328 нафар ўқувчи тарбияланаётган мазкур мактабда ўқув хоналари, замонавий компьютер зали, ёзги ва қишки спорт майдончалари мавжуд.

Мактабга бутун умрини фарзандлар тарбиясига бағишлаб, 50 йилдан бери шу соҳада меҳнат қилиб келаётган моҳир педагог Зарифа Азизхонова директорлик қилади.

— Ҳар бир ўқувчи йигит-қиз аввало ўзининг Ватанга, юртнинг эртанги кунига кераклигини ҳис қилиши керак, — дейди Зарифа опа. — Ўқитувчининг вазифаси ана шу ҳиснинг ўқувчи қалбига сингдира билишидадир.

Шунинг учун бўлса керак, «Маънавият маликаси», «Ибратли қиз», «Китобхон», «Сиз тарихни биласизми?» каби кўрик-танловларда мактаб ўқувчилари туман ва шаҳар биринчиликларини қўлга киритиб келмоқда.

Жумладан, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ўқувчилардан Илҳом Баходиров, Ўткир Жабборов, Олим Ҳусанов, Нигора Муродова, Қодир Мирзаевлар фаол иштирок этиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган юртимизда қонунчилик, инсон ҳақ-ҳуқуқларига муносабат, шунингдек, Конституцияни ўрганиш бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этиб, мактаблар орасида туман ва шаҳар биринчилигини қўлга киритишди.

Ҳар бир меҳнатнинг самараси энг аввало унинг натижасида кўринади. Агар ўша меҳнат чин дилдан бажарилса, унинг салмоғи янада юқорироқ бўлади. Шуни дилдан ҳис қилган фидойи ўқитувчи ва мураббийлар ўқувчиларнинг ҳар тарафлама билимли, саводхон бўлиб вояга етишига эътибор беришади. Улардан Моҳира Йўлдошева, Ойниса Латипова, Рихси Хонкелдиева, Дилбар Тўрабекова каби ўз касбига меҳр қўйган устоз ва мураббийлар ўқувчиларнинг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиб вояга етиши учун сидқидилдан меҳнат қилиб келишмоқда.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

СУРАТЛАРДА: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ҲУҚУҚИЙ ЭҲТИЁЖИМИЗ ИФОДАЧИСИ

Президентимиз Фармойиши билан Асосий Қонунимизни ўрганишга кенг миқёсда киришилгани айни муддао бўлди. Ҳатто боғча кичкинтойлари бийрон сўзлаб, Конституция бандларини ёддан айтаётгани, мактабларда қомус сабоқлари бериш таомилга айлангани ажойиб. Лекин катталарнинг, фуқароларимизнинг Ўзбекистон Конституциясини билиш даражаси қай тарзда? Ҳали қўлига бу ҳуқуқий ҳужжатни бир бор олиб кўрмаган юртдошимиз боғча боласи олдида хижолат тортаётгандир?!

Наманган вилоят ҳокимлиги билан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ташкил этган илмий-амалий конференция «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мустақиллик самараси» мавзуига бағишланди. Анжуманда сўзга чиққан республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази вилоят бўлими бошлиғи Олимжон Нуриддинов, вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди раиси Абдурасул Эранов, олим ва мутахассислар Конституцияни ўрганиш, билиш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш бўйича фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

ХДП вилоят кенгаши биринчи котибаси Муҳаббатхон Абдуллаева ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Аҳмаджон Лукмонов аҳоли ўртасида Конституция тарғиботини кучайтиришга оид вазифалар тўғрисида гапирдилар.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

«Шўрчипахта» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Маънавият гулшани» деб таърифланиши бежиз эмас. Айни кунларда ушбу корхонадаги «Маънавият ва маърифат» марказида Президентимизнинг барча асарлари, 20 га яқин газета тахламлари, бадиий ва илмий китоблар мавжуд.

— Жамиятимизда 543 киши меҳнат қилади, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Абдураим Мустаров. — Ишчиларимизнинг кўпчилиги бу йил ҳам турли газета ва журналларга обуна бўлишди. «Ўзбекистон овози»га эса 28 киши ёзилган.

Марказнинг ташкил этилганига эндигина икки йил бўлган бўлсада, қисқа давр ичида ишчилар учун бу ер илм ўчоғига айланди. Демак, ишчиларда изланиш, интилиш, билимга чанқоқлик бор. Яқинда эса корхона ҳузурида газета-журнал сотиладиган дўкон ҳам фаолият бошлади. Мустақилликнинг 10 йиллиги байрамигача жамиятда кутубхона ташкил этиш режалаштирилган.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФАХР

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ АМЕРИКАНИ РОМ ЭТМОҚДА

Бугунги кунда Муҳаммадқодирни биринчи рақамли спортчи, десак муболаға бўлмас. Унинг 2000 йил «Энг яхши спортчиси» номини олиши ҳам бежиз эмас. Боиси, ўғлонимиз чин маънодаги спорт юлдузи бўлиб турибди. У Сидней олимпиадасида эришган ажойиб ғалабасидан кейин ғолиб спортчига бериладиган унвонларнинг деярли барчасини қўлга киритди ҳисоб. Чунки, у Осиё, жаҳон чемпиони, ўнлаб халқаро мусобақаларда ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлган. Инсон боласида ҳамиша эзгуликка интилиш, биринчи бўлиш каби уйғунлик мужассам. Муҳаммадқодир ҳам айни куч-қувватга тўлган бир паллада яна қандай «манзил»лар қолди экан, деб ўйланди. Кейинги ўн йил мобайнида ҳаваскор боксчилар ринггида 200 дан кўпроқ жанг қилиб, ақл бовар қилмас ютуқларни қўлга киритган андижонлик йигит ўз имкониятларини профессионал боксчилар сафида синаб кўришга ахд қилди.

У ҳозир АҚШнинг Лас-Вегас шаҳридаги ҳар жиҳатдан нуфузли саналган бокс марказида шуғулланмоқда. «Труд» газетаси мухбири Валерий Бирюковнинг у билан телефон орқали боғланганда айтган сўзларига қараганда, боксчимиз мамнун эканини, профессионалликни танлаб янглишмаганлигини эътироф этган. «Менинг менеджерларим ўз касбининг усталари бўлиб, ватанидан йироқдаги мусофир кишига зарур барча шарт-шароитларни яратишмоқда, — дейди Муҳаммадқодир. — Ҳатто ихтиёримга енгил машина беришди. Машқларни бошлаб юборганман. Ажойиб машғулот зали таассуротли. Менинг янги устозим Кенни Адамс ҳақида шу пайтгача нималар эшитган бўлсам ҳаммаси ҳақиқат эканига имон келтирдим. У киши юқори малакали мутахассис. Пайтдан фойдаланиб менга раҳнамолик қилган, АИБА раҳбарлари билан келишиб боксни касб қилишимга имкон яратган ўзбекистонлик ҳомийларга миннатдорчилик билдираман. Сўзсиз омадим чопиб профессионал боксда ҳам ғалабаларни қўлга киритсам бу ютуқни аввало Ватанимга ва камарбаста юртдошларимга бағишлайман».

Боксчимизнинг янги мураббийси профессионал бокс оламида саккиз нафар чемпионни қашф этган жаҳонгашталардан. Ўз ўрнида Муҳаммадқодирга яхши ниятда қўл чўзган бу инсон ҳам келажаги порлоқ шогирд топганидан мамнун эканини яширмаяпти. Маълум бўлишича, Адамс боксчимизнинг олимпиада ринггидаги чиқишларини зимдан кузатган. Ҳозирча Абдуллаевни Америкада яхши билишмайди. Бу эса унинг янада куч ва қатъият билан машқларга зўр беришини тақозо этади. Лекин ҳеч ким Муҳаммадқодирни океан ортида чемпион бўлишга ҳаракати борлигини яширмаяпти. Аммо, ҳолва деган билан оғиз чучимас, деганларидек устозининг таъкидлашича, боксчимизнинг янги усулда чемпион бўлиши учун 1-1,5 йиллик муддат керак. Албатта, АҚШда энг номдор бўлиб турган Шаҳзода Насим Ҳамид ҳозир ўз вазнида жаҳон чемпиони бўлса, унинг Марко Антониа Баррера билан бўладиган асосий учрашувига қадар вакилимиз бир қанча саралаш баҳсларида иштирок этишига тўғри келади. Боиси профессионал боксчилар қоидасига кўра жиддий учрашувга қадар ҳар бир спортчи бир қанча баҳсларда синовдан ўтиши лозим. Маълум бўлишича, бундай боксчилар йил давомида 10-12 та жангда иштирок этаркан. Мавжуд чемпионга рўбарў бўлиш учун эса камида 16 та учрашувда қатнашиш талаб этилади. Кўриниб турибдики, Муҳаммадқодир ихтиёр этган Шаҳзода Насим билан жангга киришиши учун бироз муддат машқларини тобига етказишига тўғри келади. Адамснинг баҳосига қараганда Муҳаммадқодирда чемпион бўлиш учун барча имкониятлар бор. Хусусан, дадиллик, кутилмаганда рақибига ташланиш, ақлий ва жисмоний қувватларини жунбушга келтира олиш. Қолаверса, ҳал қилувчи зарб билан мақсадига етиш каби сифатларга эга. Унинг биринчи ғалабаси шундан нишона. Мухан Вашингтон билан 6 раундли жангни ўз фойдасига (40:26) ҳал қилди.

Муҳими, ўғлонимизни америкалик мухлислару мутахассислар ёқтириб қолишди. Устоз ҳурматини ўрнига қўйиш, терлаб-пишиб меҳнат қилиш ҳамда ўзбекона ички интизом каби фазилатларга эга бўлган Муҳаммадқодир, ўйлаймизки, профессионал рингда ҳам ўзини кўрсатиб замонамиз қаҳрамонига айланажак.

■ **Мирзо АНВАР**

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»

ҲАР БИР ЙЎЛОВЧИ АРДОҚЛИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг МДҲдаги авиаташувчилар ўртасидаги етакчилик мавқеи мустаҳкамланаётир. Жаҳон авиаташувлар бозоридаги салкам 10 йиллик фаолияти давомида у ишончли ва нуфузли ҳамкор обрўсига эга бўлди. Чунончи, 2000 йилда миллий авиакомпания қариб 2 миллион йўловчига хизмат кўрсатди. Агар бошқа авиакомпаниялар натижаларига таққосласак, бу рақамлар анча катта. Эришилган муваффақиятларда ташувлар сотувини бевосита амалга ошираётган авиакомпаниянинг Ҳаво алоқалари бош агентлигининг ҳам ҳиссаси катта. ҲАБА директори Фозил Кадермеев билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— ҲАБА йўловчилар ва авиаташувчилар ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади, — дейди Фозил Имамутдинович. — Замонавий ва қулай самолётларда парвоз этиш ва юксак даражадаги сервисга баҳо бериштан аввал йўловчи чипта харид этиши лозим бўлади. Хўш, ерда йўловчиларга қандай хизмат кўрсатилмоқда, деган саволнинг туғилиши табиий, албатта.

Бош агентликнинг асосий вазифаларидан бири — чипталарни бандлаш ва сотиш ҳамда агентлар кенг тармоғини яратишдан иборат. Ҳар қандай авиасаёҳат ҳам чипта кассасидан бошланади. Сотувлар ҳажмини ошириш мақсадида бошланғич нуқтадаги иш фаолиятимизни қайтадан туздик. Мамлакатимиз бўйлаб ҲАБАнинг кўпдан-кўп чипта сотиш кассалари бор. МДҲнинг баъзи мамлакатларида ва олис хориж мамлакатларидаги ваколатхоналаримиз самарали ишламоқда. Шунингдек, аэропортларнинг ўзида ҳам чипталар сотуви амалга оширилаяпти, янги нуқталар эса очилмоқда. Чунончи, пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ҳам янги офис яқинда ўз фаолиятини бошлади. Агентлигимиз томонидан кунига 3,5 мингтагача чипта сотилмоқда. Айнан агентлик авиабилетлар сотувидан авиакомпаниянинг валюта ресурсларини ҳосил қилмоқда.

